

Шукр, Туркистонимизда эски хукуматдан сабил колгон шалок оташаравамиз бор. Биз бу оташаравамизнинг Кўкон араваларидек ликинг-ликинг юрушига ҳам канча шодланамиз, шукр киламиз. Лекин унинг ичидаги гайри табиий «интизом ва тартиб»ларни кўришга энди токатимиз колмагон.

Оренбургдан нариги оташараваларга карасок, Худонинг мархамати билан ҳамма ишлар ўз жойида. Хеч кимнинг камарчаси кимирламайдир, лоакал носкадуси ҳам йўқолмайдир. Аммо Ўрта Осиёга Худо панох берсин. Энг аввал бунга билет олиш учун бошингизга шапка кўйиб белатхонага боришга мажбур бўласиз. Чунки бу жойда шапка жуда катта рўл ўйнайдир. Шапкасизлар одам каторида ҳам ҳисоб килинмайдирлар.

Хайр, бир иш килиб охири белат олишга ҳам муваффақ бўласиз. Сўнгра чикасиз оташаравангизнинг истикболига. Бунда кўрасизким, гўё ер ёрилиб одам чиккан. Бу холни кўруб, бирдан кўнглингизга аллакандай ваҳималар тушадир. Шу чокда ноилож Худога сизгизга ва авлиёлардан ёрдам сўрашга мажбур бўласиз.

Ана, оташарава ҳам лопиллаб, фишкириб келди-ку! Энди бу ёғи бахтингизга қарайдир. Агар Худо ёрлакагон бахтлик кишилардан бўлсангиз, чўнтагингиз кесилса ва хуржинингиз тешилса ҳам, ўзингиз бир нав килиб поезднинг томига чикасиз ёки юк кўятургон катакчаларнинг бирида диккат бўлиб жойланасиз. Булар муяссар бўлмаган тақдирда, албатта, йўлаклардаги халкнинг «пойандози» бўлишга ёки зиналардан бирида ўлтиришга рози бўласиз. Булар ҳам сизга насиб бўлмагонда, вогуннинг бўйнига миниб олиб, «хайт!» деб кетаберасиз...

Шунча азоб ва захматларингиз устига, яна кандухтур жанобларидан сўқишлар, туртги-нуққилар кўрушингиз «устакча»дир.

Эй оти улуг, суфраси куруг миллати нажиба! Энг аввал шалок-лака аравангни тартибга кўйиб, сўнгра катталик кил-да!..

*Ботурбек*

«Машраб», 1924 йил, 12-сон